



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Эрназаров Гулам Бекбаевич -

Тошкент шаҳридаги "МЭИ" миллий тадқиқот
Университети, Федерал давлат бюджети олий

таълим муассасаси "Таълим сифатини назорат қилиш"
бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлар номзоди (PhD)

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a69

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти ва унинг ривожланиш истиқболлари статистик кузатувлар асосида ўрганиб чиқилган. Шунингдек, мазкур соҳанинг Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти ва ЯИМдаги улуши ҳамда унинг ривожланиш динамикаси статистик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

УНИКАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ, ПЕРСПЕКТИВЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ И СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Эрназаров Гулам Бекбаевич -

Кандидат экономических наук (PhD), начальник
отдела «Контроль качества образования»

Национального исследовательского университета
«МЭИ» - филиала ФГБОУ ВО в г.Ташкенте

Аннотация. В данной статье на основе статистических наблюдений изучается важность сферы услуг в условиях цифровой экономики и перспективы ее развития. Также был проведен статистический анализ роли, значения и доли данной сферы в национальной экономике Республики Узбекистан в ВВП и динамики ее развития.

Ключевые слова: сфера услуг, качественное обслуживание населения, социальный сектор, консультационные услуги, жилищно-коммунальные услуги, условия жизни населения, медицинские и социальные услуги, услуги на душу населения, международный опыт, частный сектор.

THE SPECIFIC IMPORTANCE OF THE SERVICE SECTOR IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY, THE PROSPECTS FOR ITS DEVELOPMENT AND ITS STATISTICAL ANALYSIS

Ernazarov Gulam Bekbaevich -

National Research University "MEI" in Tashkent" head of the Department
"Quality control of education" of the federal state budgetary institution of
Higher Education, candidate of Economic Sciences (PhD)

Annotation. In this article, the importance of the service sector in the conditions of the digital economy and the prospects for its development are studied on the basis of statistical observations. also, a statistical analysis of the role, importance and share of this sphere in the national economy of the Republic of Uzbekistan in GDP and the dynamics of its development was carried out.

Keywords: service sector, quality service to the population, social sector, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, health and social services, per capita services, international experience, private sector.

Кириш. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳаси иқтисодий жиҳатдан саноат ишлаб чиқаришига қараганда анча самарали ҳисобланади, чунки хизматлар соҳасида бошланғич фаолиятни амалга ошириш камроқ маблағларни талаб этади ва ўз навбатида капиталнинг айланиш тезлигини оширади. Шундай экан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари орасида хизматлар соҳаси устунлик қилади. Илғор мамлакатларнинг замонавий ривожланиш даражаси турли хил хизматлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бозорини жадал ривожлани-

шини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражаси жамият шаклланишининг асосий мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатномасида ".....Биз бошлаган кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди,

экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган. Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик” [1] деб таъкидлаб ўтди.

2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бунда “...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...”[2] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикамызда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ушбу мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий, хорижий олимлар илмий-тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Фарбий Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан “хизмат” категориясига қўйидагича таъриф берилган: Хусусан, Ф.Котлер хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар “бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин”, - деб таъкидлаб ўтади[3].

М.Кательс иқтисодиётнинг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янги тавсифга эгалиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган[4]. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб

турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг “номоддийлиги” ва “моддийлиги” ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Ю.В. Мелешко илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши - асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшашиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди”[5] деб, таъриф бериб ўтади.

Неоклассик мактаб вакили Альфред Маршалл хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, А.Маршалл барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, кўз билан илғаб бўлмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди[6].

Н.А. Бариновнинг берган таърифига кўра: “хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир”. Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак[7].

Ж.Р. Ураков мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишини ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар билан боғлиқ[8].

Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозори таркибида ўзгаришларни вужудга келтирди. Аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигининг ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг янги категорияси вужудга келди. Моддий жиҳатдан таъминланган истеъмолчилар ўзларининг ҳаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгор деб ҳисобланади. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини айнан аҳолининг шу талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

М.М. Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатади деб, таъкидлаб ўтади[9].

Р. Ботирова илмий ишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтган[10].

Иқтисодчи олим М.Э. Пулатов ўз тадқиқотларида инсон капиталига қуйидагича таъриф беради: инсон капитали - кишиларга тааллуқли уларнинг кўзга кўринадиган энг муҳим жиҳатлари, жумладан, корхона ходимларининг малакаси, амалий куникмалари, иш тажрибалари, шунингдек, ижодий ва фикрлаш қобилиятлари, бу фазилатлардан мақсадли фойдаланилиши турли даражаларда (индивид, корхона ёки жамият) даромад ва фойда ошишига, иш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга имкон беради[11].

Бугунги замонавий иқтисодий ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти: унинг статистик таҳлили: муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида, бошқа кўп-лаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёритишда таққослаш, таҳлил, аналитик таҳлил, усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар статистик таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилди ва соҳадаги муаммоларни назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланди ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар ва илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари ўрганилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Хизматлар соҳаси бу – корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматлар, ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирилган тоифадир[9].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги томонидан берилган дастлабки маълумотларга кўра 2022 йил ЯИМнинг ўсиш суръати 105,7 фоизни ташкил этиб, унинг жорий нархлардаги ҳажми 888 341,7 млрд. сўмни ташкил этди[12].

Шунингдек, 2022 йил январь-декабрь ойлари маълумотларига кўра, ЯИМ таркибида ҳам катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида **хизматлар соҳасининг улуши 39,6 % дан 41,5 % га**, қурилиш тармоғининг улуши 6,6 % дан 6,7 % га ошди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 26,5 % дан 25,1 % га камайди. Саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши эса 33,4 % ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

2018-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби (жамига нисбатан % да)[12]

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
I. ЯИМ, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,3	91,5	92,7	93,0	93,2
маҳсулотларга соф солиқлар	10,7	8,5	7,3	7,0	6,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	29,7	26,6	26,8	26,5	25,1
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	30,5	33,8	33,5	33,9	33,4
қурилиш	5,8	6,2	6,7	6,6	6,7
хизматлар	39,8	39,6	39,7	39,6	41,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,0	6,6	6,5	6,8	7,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	7,9	7,4	6,8	7,0	7,0
бошқа хизмат тармоқлари	24,9	25,6	26,4	25,8	27,5

XIZMAT KO'RSATISH

Бугунги кунда хизматлар соҳаси замонавий миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ушбу тармоқ анъанавий фаолият билан чекланиб қолмайди, у жамият ҳаётида ўз иштирокини доимий равишда кенгайтириб боради, ижтимоий ишлаб чиқаришга интеграциялашган, шунингдек, иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари билан ўзига хос алоқалар орқали боғланган.

Кўрсатилган бозор хизматлари (2-жадвал) умумий ҳажми ўсишининг асосий омили молиявий хизматларнинг 29,3 % га ўсиши, транспорт хизматлари – 12,4 % га, савдо хизматлари – 9,0 % га, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 25,5 % га, таълим хизматлари – 15,3 % га, бошқа хизматлар – 17,0 % га, яшаш ва овқатланиш хизматлари – 14,7 % га, шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар – 11,1 % ни ташкил этди[13].

2-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари[12]

Хизмат турларининг номи	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	2021 й.	2022 й.		
Хизматлар - жами	284 388,1	357 554,5	100,0	115,9
шу жумладан асосий турлари бўйича:				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	17 755,1	22 917,6	6,4	125,5
молиявий хизматлар	59 733,3	80 431,0	22,5	129,3
транспорт хизматлари	67 202,9	81 006,6	22,7	112,4
шу жумладан:				
автотранспорт хизматлари	36 253,3	41 318,3	11,6	106,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	8 375,4	11 322,8	3,2	114,7
савдо хизматлари	72 483,2	88 847,9	24,8	109,0
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	8 081,1	9 674,3	2,7	111,1
таълим соҳасидаги хизматлар	12 102,6	15 395,7	4,3	115,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	5 105,9	6 384,2	1,8	111,5
ижара хизматлари	5 351,0	6 444,3	1,8	112,2
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	4 680,5	5 842,3	1,6	109,0
шахсий хизматлар	6 799,8	8 713,9	2,4	107,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	6 306,8	7 338,2	2,1	107,7
бошқа хизматлар	10 410,5	13 235,7	3,7	117,0

2022 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо хизматлари 24,8 %, транспорт хизматлари – 22,7 %, молиявий хизматлар – 22,5 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,4 %, таълим соҳасидаги хиз-

матлар – 4,3 % ни эгаллайди. **Таққослаш учун:** 2021 йилда хизматларнинг умумий ҳажмида савдо хизматлари 25,5 %, транспорт хизматлари – 23,6 %, молиявий хизматлар – 21,0 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,2 %, таълим хизматлари – 4,3 % ни ташкил этди[11].

3-жадвал

Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари[12]

Худудларнинг номи	Ҳажм, млрд. сўмда	Умумий ҳажмга нисбатан улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
			2021 йил	2020 йил
Ўзбекистон Республикаси	357 554,5	100,0	115,9	119,5
Қорақалпоғистон Респ.	10 421,9	2,9	115,7	121,5
вилоятлар:				
Андижон	17 642,4	4,9	112,9	118,3
Бухоро	15 780,0	4,4	115,8	118,0
Жиззах	7 984,0	2,2	115,7	117,8
Қашқадарё	15 945,8	4,5	114,1	114,4
Навоий	9 247,2	2,6	114,2	118,3
Наманган	14 722,6	4,1	116,6	119,7
Самарқанд	22 734,9	6,4	114,9	119,0
Сурхондарё	12 878,0	3,6	114,5	120,1
Сирдарё	5 029,8	1,4	112,5	118,8
Тошкент	25 994,9	7,3	113,2	117,8
Фарғона	21 960,3	6,1	114,5	117,4
Хоразм	10 303,2	2,9	114,6	118,9

Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларини оладиган бўлсак (3-жадвал), 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 38,4 %, яъни 137 358,1 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ушбу худудда ўсиш суръати 118,2 % га етган. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 5 029,8 млрд. сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 112,5 % га етган. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 10 030,1 минг сўмга етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати эса 113,5 % ни ташкил этган[12].

Хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий, янги иқтисодий худудларни ўзлаштиришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва моддий неъматларни истеъмол қилишни таъминлайди.

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 592 371 бирликни ташкил этди. Хизматлар соҳасида 392 787 бирлик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, бу уларнинг умумий сонининг 66,3 % ини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 % ни ташкил этган. Агар бу кўрсаткични 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, таққослаб кўрадиган бўлсак, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 65,8 % ни, яъни 213 075 бирликни ташкил этган[13].

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса уларнинг ўсиш суръати 111,4 % ни ташкил этган. 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг (523 556 бирлик) 325 809 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Уларнинг хизматлар соҳасига оид фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидagi улуши 82,9 % ни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик ташкилотларнинг улуши 17,1 % ни (66 978 бирлик) ташкил этди. Агар бу кўрсаткични 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, таққослаб кўрадиган бўлсак, кичик тадбиркорлик субъектлари сони 153 767 бирликни ёки уларнинг умумий сонининг 72,2 % ини ташкил этган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг ўсиш суръати 112,4 % ни ташкил этган[13].

Таҳлилларимиз кўрсатдики, Республика-мизда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 115,9 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажми эса 113,5 фоизга тенг бўлган. Аҳоли сони хизматлар соҳасининг ўртача жон бошини ривожланиш кўрсаткичига муҳим таъсир кўрсатмоқда. Маса-

лан, аҳоли сони нисбатан кам бўлган Навоий ва Бухоро вилоятларида аҳоли жон бошига кўрсаткичлар аҳоли зич жойлашган вилоятлар: Қашқадарё, Наманган ва Андижон вилоятларига қараганда яхшироқ кўринади [13].

Саноати ривожланган худудлар (қазиб олиш саноати бундан мустасно) Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда, Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси эса тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида” кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилди. Ушбу белгилаб берилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бу ислохотларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш зарурати келтириб чиқармоқда. Зеро шундай экан, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида мазкур соҳани ривожлантириш борасида, бир қатор таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлай-миз[2].

Биринчидан худудларда замонавий бозор хизматлари кўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Иккинчидан алоқа, транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка худудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш. Бу каби устувор вазифалар хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz
3. Котлер Ф. Основы маркетинга. - М.: Прогресс, 1993. - С.63-8.
4. Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана - М.: ГУВШЭ, 2000 г.
5. Ю.В. Мелешко «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня” №4. 2016 г.
6. Альфред Маршалл. Принципы экономической науки. - М.: «Прогресс», 1993 г.
7. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, 2007. - 328 с. - С. 64-65.
8. Ураков Ж.Р. Хизмат курсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Самарканд вилояти мисолида) // дисс. иқт. фан. ном-зоди. - Т.: СамИСИ. 2011. 15-16 б.
9. Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. *Servis jur.* №1, 2009. - 47-56 б.
10. Ботирова Р., Икромов И. Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119)-2017. <http://www.biznesdaily.uz>
11. Пулатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори диссертацияси автореферати. - Т.: ТМИ, 2017. -66-б.
12. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг расмий сайти.
13. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.